

UDK: 632.7/632.93

МАККАЖЎХОРИ ПАРВОНАСИГА ҚАРШИ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ПРЕПАРАТ – КОРОЛЬ 25 % сус.к. ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ

Ақромов Бахтияр Акмалович, қ.х.ф.н.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти

Abstract: Today, the need for forage crops, including corn, in our republic is growing every year. To obtain a high yield of forage crops, it is very important to do pest control effectively and timely. The article presents the results of experiments on the study of the biological effectiveness of the pesticide Korol 25% cs., which belongs to the anthranilamide group, against one of the main pests of corn - the corn borer.

Key words: corn, pests, the corn borer, pesticide, biological effectiveness, plant protection.

Озуқабоп экинлардан энг аҳамиятлиларидан бири маккажўхори бўлиб, у озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник аҳамиятга эга. Озиқ-овқат сифатида маккажўхорини дони ишлатилади. Унинг дони жуда ҳам тўйимли ҳисобланиб, таркибида оксил моддаси камроқ бўлади. Шу сабабли маккажўхори унига 25-30% буғдой уни қўшилиб нон ёпилади. Бундан ташқари маккажўхори донидан ёрма тайёрланади. Сут мум пишиш даврида уни қовирилиб ёки қайнатиб пиширилган ҳолда озиқ овқат сифатида ишлатиш мумкин. Унинг донидан консерва ҳам тайёрланади.

Ем-хашак сифатида унинг дони ва пояси ишлатилади. Маккажўхори пояси молларга кўклигича берилади, ундан силос ва хашак тайёрланади. Маккажўхори силосининг бир килограмми тўйимлилиги жиҳатидан 0,20-0,25 озуқа бирлигига, сўтаси билан бирга тайёрланганда эса 0,40 озуқа бирлигига тенг бўлади.

Маккажўхорини техник аҳамияти шундан иборатки, унинг донидан крахмал, спирт, глюкоза, сирка кислотаси, поясидан эса қоғоз, картон, ёғоч спирти, сунъий каучук, сунъий смола ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар олинади.

Маккажўхори агротехник аҳамиятга ҳам эга, у қурғоқчиликга чидамли ҳамда чопикталаб бўлганлиги сабабли экин майдонида бегона ўтларнинг камайишига олиб келади.

Ҳозирги кунга келиб дунё бўйича ҳар йили ўртача 1,2 млрд тонна маккажўхори етиштирилади, ўртача ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил қилади. Асосий маккажўхори етиштирувчилар – АҚШ, Хитой, Бразилия, Европа Иттифоқи ва Аргентина ҳисобланади. Ўзбекистонда маккажўхорининг 79 нави ҳам асосий, ҳам такрорий экин сифтида етиштирилади [3, 4].

Маккажўхори экинларида иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали тизimini белгилаш, мониторинг олиб бориш, касалликлар ва бегона ўтларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда маккажўхори зараркунандалари 200 турдан ошсада, улардан 15-20 таси иқтисодий аҳамиятга эга хавфли турлар ҳисобланади. Шундай хавфли зараркунандалардан бири маккажўхори парвонасидир [1, 2].

Маккажўхори парвонаси – *Ostrinia nubilalis* Hb. капалаклар туркумининг парвоналар (Pyralidae) оиласига мансуб. Маккажўхори парвонасининг вояга етган қуртлари ўсимлик қолдиқларида далада қишлайди. Пояси қалин ўсимликларни яхши зарарлайди. Маккажўхори парвонаси баҳорги мавсумда қишловдан чиқиб ҳаво ҳарорати 15-16°C ошганда қуртлар ғумбакга айланади. Ғумбакга айланишдан олдин капалакнинг ташқарига учиб чиқишини осонлаштириш учун қуртлар поя деворини кемириб думалоқ тешик ясайди. Ғумбаклик даври 10-25 кун давом этади. Учиб чиққан капалак қанотларини ёзганда 28-30 мм гача боради. Олдинги қанотлари сарғиш ёки тиниқ жигарранг тусда. Қанот четлари қорамтир. Орқа қанотлари оч сариқ, олдинги қанотларга нисбатан рангсизроқ бўлади.

Парвона капалакларининг учиб чиқиши Ўзбекистон шароитида одатда майнинг охири июннинг бошларига тўғри келади. Тухумларини ўсимлик барглари орқасига, сўталарга ва рўвакларга бир нечтадан то 50 гача тўп-тўп қилиб қўяди. Урғочиси 250-350 та тухум қўяди. Тухумнинг ривожланиши 5-10 кун давом этади. Қурт биринчи кунлари барг билан озиқланади. Учинчи ёшида қурт жўхори поя бўғими орқали поя ичига ёки мева ичига кириб кемириб озиқланади. Бу ерда яна икки марта туллайди ва сўнгра катта бўлиб етишади. Қурт катталиги 25 мм, оқ ёки сариғиш-кул ранг, елка томони бўйлаб қорамтир чизиғи бўлади. Ёзги авлод

куртлари 2-3 ҳавфта давомида ривожланади. Кузга бориб куртлар ўсимликларнинг поялари ичида қишлаб қолади. Баҳорга чиқиб куртлар овқатланишни давом эттиради. Бир йилда 2-3 марта авлод беради [1, 2].

Бугунги кунда Ўзбекистонда маккажўхорида маккажўхори парвонасига қарши қўллаш учун пиретроид, неоникотиноид ва авермектинлар оиласига мансуб 4 та препарат тавсия қилинган [5].

Тадқиқотлар давомида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги “Ахмедов Достонбек Искандарович” фермер хўжалигида маккажўхори майдонларида маккажўхори парвонасига қарши Король 25 % ли сус.к. препаратининг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар амалга оширилди. Ишчи эритма сарфи 300 л/га ни ташкил қилди. Препарат икки хил сарф меъёрида 0,1-0,15 л/га миқдорида қўлланди. Андоза сифатида пиретроидлар гуруҳига мансуб Каратэ 5% ли эм.к. олинди.



Король 25 % ли сус.к. препарати антраниламидлар гуруҳига мансуб бўлиб, таъсир этувчи моддаси хлорантранилипрол энг замонавий таъсир этувчи моддалардан бири ҳисобланади. Хлорантранилипрол ичак меъда орқали, тегиб таъсир қилувчи ҳамда трансламинар таъсир хусусиятига эга. Зараркундаларга қарши қўлланилганда 2-4 кун ичида фалажлик ва озикланишдан тўхташ натижасида нобуд бўлиш кузатилади.

Тажриба натижаларига кўра Король 25 % ли сус.к. препарати 0,1 л/га сарф меъёрида қўлланилганда ишловдан 1 кун ўтиб 81,0% биологик самарадорлик қайд

этилди, самара кун сайин ортиб бориб 3, 7 ва 14-ҳисоб кунларида мос равишда 89,7-91,6-89,7% самарадорлик кузатилди. 0,15 л/га меъёрда қўлланганда маккажўхориға қарши биологик самарадорлик янада юқори бўлиб 3, 7, 14 ва 21-ҳисоб кунларда мос равишда 90,9-92,1-90,9-90,5 % кўрсаткич қайд этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Король 25 % ли сус.к. препарати маккажўхори экинларида маккажўхори парвонасига қарши 0,1-0,15 л/га сарф меъёрларида юқори биологик самарадорликга эга замонавий препарат сифатида маккажўхори зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизимида фермер ва деҳқонлар томонидан қўллашга тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ақромов Б.А. Маккажўхори ва оқ жўхори зараркунундалари ва уларга қарши кураш // Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини журнали. – Тошкент, 2024. – №2. – Б.41-46.
2. Оқ жо'хори (sorghum) yekini zararli organizmlariga qarshi uyg'unlashgan kurash tizimi (IPM) Uyg'unlashgan kurash tizimi (IPM). – Тошкент, ЎКҲИТИ, 2023. – 51 б. (<https://karantin.uz/uz/agrokomak/tavsiyalar>).
3. Мировое производство кукурузы / <https://grainrus.com/novosti-kompanii/articles/mirovoe-proizvodstvo-kukuruzy/>.
4. <https://www.agro.uz/makkajo-xori/>.
5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар РЎҲАТИ. – Тошкент: ЎКҲИТИ, 2022. – 289 б.